



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

# МИКРОМОЛИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ЛОМБАРДЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИ ШАРҲИ

2025 йил якуни бўйича

## Микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг молиявий ҳолати шарҳи

Мазкур шарҳ 2025 йил якуни бўйича микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг асосий ҳамда молиявий барқарорлик кўрсаткичлари, хусусан активлари, мажбуриятлари, капитал ва даромадлигида юзага келган асосий тенденцияларни изоҳлайди.

### I. Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар инфратузилмалари

2025 йил давомида микромолиявий хизматлар бозорида янги иштирокчи сифатида **32 та** микромолия ташкилоти, уларнинг **234 та** филиаллари (*157 та микромолия ташкилоти ва 77 та ломбардлар*) ташкил этилиб, умумий сони **223 та**, шундан микромолия ташкилотлари **132 та** (*филиаллар сони 393 та*) ва ломбардлар **91 тага** (*филиаллар сони 148 та*) етди.



**Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар** устави таркибида чет эл капитали мавжуд бўлган микромолия ташкилотлари сони ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 5 тага ортиб, 2025 йил якуни бўйича **25 тага** (*микромолия ташкилотлари 17 та ва ломбардлар 8 та*) етган.

1-чизма

2-чизма

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар бош офислари сони

Микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг филиаллари сони




Бунда, фаолият юритаётган микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг энг кўп қисми **Тошкент шаҳри** (77 та микромолия ташкилоти ва 46 та ломбард) ва **Фарғона вилояти** (20 та микромолия ташкилоти ва 5 та ломбард) ҳиссасига тўғри келса, Қорақалпоғистон Республикаси ва Қашқадарё вилоятларида **1 тадан** бош офислар жойлашган.

Дислокация бўйича **Тошкент** шаҳрида ломбардларнинг **44** та филиаллари ва микромолия ташкилотларининг **32** та филиаллари фаолият юритса, **Хоразм** вилоятида мазкур кўрсаткич **16** тани ташкил этиб, шундан микромолия ташкилотларининг филиаллари 15 та ва 1 та ломбард филиали мавжуд.


3-чизма

4-чизма

**Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар бош офисларининг ҳудудлардаги тақсимоти**



**Микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг филиаллари сонининг ҳудудлардаги тақсимоти**




## II. Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар кредитлаш амалиётлари ва уларнинг сегментацияси

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан 2025 йилнинг январь-декабрь ойларида жами **31,8 трлн сўм** миқдорида кредитлар ажратилиб, кредитлаш миқдори ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **2 баробарга**, хусусан микромолия ташкилотларида **2 баробар** ва ломбардларда **1,6 баробарга** ошган. Бунда, кредитлашнинг **91 фоизи (28,9 трлн сўми)** микромолия ташкилотлари ва **9 фоизи (2,9 трлн сўми)** ломбардлар ҳиссасига тўғри келган.

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан кўрсатилган хизматларнинг **30,8 трлн сўми** ёки **97 фоизи жисмоний шахслар** ва **1,1 трлн сўми** ёки **3 фоизи юридик шахслар** ҳиссасига тўғри келади.

5-чизма

### Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан ажратилган кредитлар миқдори




**Ажратилган кредитлар сегментациясида** 2025 йилнинг январь-декабрь ойларида ажратилган **онлайн кредитлар** ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **21 фоиз бандга** ортиб, микромолия ташкилотлари томонидан ажратилган кредитлардаги улуши **70 фоизга** етган.

Онлайн кредитлаш ҳажмининг ошиши “Тезкойн” (15,2 трлн сўм) “Шаффоф-Молия” (4,8 трлн сўм), “Пейлейтер” (146 млрд сўм) ва “Янги Финанс” (243 млрд сўм) микромолия ташкилотлари томонидан онлайн кредитлар ажратилиши билан изоҳланади.

6-чизма

### Ажратилган онлайн ва офлайн кредитларнинг сегментацияси




**Жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар миқдорлари бўйича сегментациясида** 2025 йилнинг январь-декабрь ойларида ажратилган кредитларнинг **62 фоизи 10 млн сўмгача** бўлган кредитларни, **15 фоизи 10-20 млн сўмгача**, **14 фоизи 20-50 млн сўмгача** бўлган кредитлар ва **50-100 млн сўмгача** бўлган кредитлар улуши **9 фоизни** ташкил этган.

2025 йилда 2024 йилнинг мос даврига нисбатан **10 млн сўмгача** бўлган кредитлар улуши **16 фоиз бандга**, **10-20 млн сўмгача** бўлган кредитлар улуши **1 фоиз бандга** ошган бўлса, **20-50 млн сўмгача** бўлган кредитлар **11 фоиз бандга** ва **50-100 млн сўм** миқдоридagi кредитларда **6 фоиз бандга** камайган.

7-чизма

### Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг миқдорлар бўйича тақсимланиши




Манба: Марказий банк маълумотлари

**Юридик шахсларга ажратилган кредитлар миқдорлари сегментациясида** **200-300 млн сўмгача** бўлган кредитлар улуши **22 фоизни**, **50 млн сўмгача** бўлган кредитлар улуши **21 фоизни**, **100-200 млн сўмгача** **20 фоизни**, **300 млн сўмдан юқори** бўлган кредитлар улуши **19 фоизни** ва **50-100 млн сўмгача** бўлган кредитлар улуши **18 фоизни** ташкил этган.

2025 йилда 2024 йилга нисбатан **300 млн сўмдан юқори** бўлган кредитлар улуши **17 фоиз бандга** ва **200-300 млн сўмгача** бўлган кредитлар улуши **8 фоиз бандга** ошган бўлса, **50-100 млн сўмгача** бўлган кредитлар улуши **12 фоиз бандга**, **50 млн сўмгача** бўлган кредитлар улуши **8 фоиз бандга** ва **100-200 млн сўмгача** бўлган кредитлар улуши **5 фоиз бандга** камайган.

8-чизма

### Микромолия ташкилотлари томонидан юридик шахсларга ажратилган кредитларнинг миқдорлар бўйича тақсимланиши




Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари

### Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан кўрсатилган микромолиявий хизматларнинг ойлик фоиз ставкалари.

Микромолия ташкилотларида субъект турлари бўйича 2025 йилнинг декабрь ойида **жисмоний шахсларга** ажратилган микроқарзларнинг фоиз ставкалари **30-109,5 фоиз** коридорида, **ЯТТ** ва **юридик шахсларга** ажратилган микрокредитлар **30-88 фоиз** коридорида шаклланган бўлиб, йиллик ўртача тортилган фоиз ставкалари мос равишда **57,6** ва **48,7 фоизни** ташкил этган.

2025 йилнинг декабрь ойида жисмоний шахсларга ажратилган микроқарзларнинг **0,3 фоизи** (1,6 млрд сўм) энг қуйи чегара – йиллик 29-40 фоиз оралиғида, **0,1 фоизи** (300 млн сўм) энг юқори чегара – йиллик 100-109,5 фоиз оралиғида ажратилган бўлса, юридик ва ЯТТларга ажратилган микрокредитларнинг **3,3 фоизи** (1,3 млрд сўм) энг қуйи чегара – йиллик 30-40 фоиз оралиғида, **37,4 фоизи** (14,9 млрд сўм) энг юқори чегара – йиллик 55-60 фоиз оралиғида ажратилган.

### Микромолия ташкилотлари томонидан субъект турлари бўйича йиллик ўртача тортилган фоиз ставкаси



Ломбардлар томонидан 2025 йилнинг декабрь ойида жисмоний шахсларга ажратилган микроқарзларнинг фоиз ставкалари 60-109,5 фоиз коридорида шаклланган бўлиб, йиллик ўртача тортилган фоиз ставкаси **97,1** фоизни ташкил этган.

2025 йилнинг декабрь ойи давомида ломбардлар томонидан ажратилган микроқарзларнинг **0,4** фоизи (1,3 млрд сўм) энг куйи чегарага – йиллик 60-70 фоиз оралиғида ва **48,8** фоизи (143,4 млрд сўм) энг юқори чегарага – йиллик 100-109,5 фоиз оралиғига тўғри келади.

### Ломбардлар томонидан ажратилган микроқарзларнинг йиллик ўртача тортилган фоиз ставкалари




### III. Микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг асосий кўрсаткичлари динамикаси

**3.1. Микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг активлари** ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **1,5 баробарга** ортиб, 2026 йил 1 январь ҳолатига **12,5 трлн** сўмни ташкил этган. Бунда, **микромолия ташкилотларининг** активлари ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,9 трлн сўмга (*50 фоиз*) ўсиб, **11,8 трлн** сўмга етган бўлса, **ломбардлар** активлари 246 млрд сўмга (*49 фоиз*) ошиб, **743 млрд** сўмга етган.

11-чизма

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар активлари миқдори




Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар жами активларининг **91 фоизи** (*11,4 трлн сўми*) кредит қўйилмалари ҳиссасига тўғри келиб, мазкур кредит қўйилмалар 2026 йил 1 январь ҳолатига ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **1,4 баробарга** ўсган.

Натижада, 2025 йил якунида микромолия ташкилотлари ва ломбардлар кредитларининг барча кредит ташкилотлар умумий кредит қолдиғидаги улуши **1,9 фоизга** етди.

### Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар кредит қўйилмаларининг жами кредитлардаги улуши динамикаси



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари


Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан **жисмоний шахсларга** ажратилган кредитлар қолдиғи ўтган бир йилда 1,4 баробарга ошиб, **10,5 трлн сўмни**, шунингдек тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар қолдиғи 1,9 баробарга ошиб, **921 млрд сўмни** ташкил этган.

Бунда, тадбиркорлик субъектларига ажратилган **микрокредитлар** қолдиғи **1,8** баробарга кўпайиб, **694 млрд сўмга**, факторинг хизматлари ҳажми 2,4 баробарга ошиб, **222 млрд сўмга** етган бўлса, лизинг хизматлари ҳажми **37 фоизга** камайиб, **6 млрд сўмни** ташкил этган.

**Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан ажратилган кредит турлари қолдиғи**

2025 йил 1 январь ҳолатига  
(млрд сўм)

2026 йил 1 январь ҳолатига  
(млрд сўм)




**Микромолия ташкилотларида муаммоли кредитлар қолдиғи (NPL) жорий йилнинг 1 январь ҳолатига 263 млрд сўм ёки 2,4 фоизни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даври даражасида сақланган.**

Бунда, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан “шубҳали” кредитлар 1,4 баробарга (68 млрд сўмга) ва “умидсиз” кредитлар 1,5 баробарга (11 млрд сўмга) ошган. Муаммоли кредитларнинг (NPL) 227 млрд сўми (86 фоиз) “шубҳали”, 36 млрд сўми (14 фоиз) “умидсиз” кредитлар ҳиссасига тўғри келади.

Мазкур муаммоли кредитларнинг 56 фоизи “Тезкойн” (78 млрд сўм) ва “Шаффоф-молия” (71 млрд сўм) микромолия ташкилоти ҳиссасига тўғри келган.

**Муаммоли кредитларни қоплаш коэффициенти (NPL coverage ratio) 2025 йил бошига нисбатан 8 фоиз бандга ошиб, 2026 йил 1 январь ҳолатига 65 фоизни ташкил этган.**

## Муаммоли кредитлар ва уларни қоплаш коэффиценти




Манба: Марказий банк маълумотлари

## 3.2. Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар мажбуриятлари

Микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг жами мажбуриятлари 2025 йил якунида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **1,5 баробарга** (3 трлн сўмга) ошиб, **8,5 трлн сўмни** ташкил этган. Хусусан, микромолия ташкилотларининг мажбуриятлари **1,5 баробарга** (2,9 трлн сўмга) ошиб, **8,3 трлн сўмни**, ломбардларда эса **21 фоиз бандга** (25 млрд сўмга) кўпайиб, **146 млрд сўмни** ташкил этган.

## Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар мажбуриятлари динамикаси




**Микромолия ташкилотлари** жами мажбуриятларининг **29 фоизи** (2,4 трлн сўм) маҳаллий компаниялардан, **28 фоизи** (2,3 трлн сўм) тижорат банклари, **15 фоизи** (1,2 трлн сўм) таъсисчилар, **6 фоизи** (498 млрд сўм) халқаро молия институтлари, **4,4 фоизи** (362 млрд сўм) облигацияларни жойлаштириш ва **18 фоизи** (1,5 трлн сўм) бошқа мажбуриятлар ҳисобидан шаклланган.

Бунда, мажбуриятлар таркибида облигацияларни жойлаштиришдан келган маблағлар **3,3 баробарга** (252,9 млрд сўм), маҳаллий компаниялардан жалб этилган маблағлар **3,2 баробарга** (1679,6 млрд сўм), таъсисчилар маблағлари **1,5 баробарга** (393,7 млрд сўм), халқаро молия институтлари маблағлари **1,4 баробарга** (129,9 млрд сўм) ўсган бўлса, тижорат банкларидан жалб этилган ресурслари **9,1 фоизга** (232,2 млрд сўм) қисқарган.

16-чизма

### Микромолия ташкилотлари мажбуриятлар таркиби




**Ломбардларнинг** жами мажбуриятлари 2026 йил 1 январь ҳолатига ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **1,2 баробарга** ошган ҳолда **146 млрд сўмни** ташкил этиб, унинг **62 фоизи** (90 млрд сўм) таъсисчилар, **15 фоизи** (22 млрд сўм) тижорат банкларидан жалб этилган маблағлар ва **23 фоизи** (34 млрд сўм) бошқа мажбуриятлар ҳисобидан шакллланган.

Бунда, ломбардлар жами мажбуриятлари таркибида таъсисчилар маблағлари **1,6 баробарга** (34 млрд сўм) ва тижорат банклари ресурслари **2 фоизга** (1 млрд сўм) ошган бўлса, бошқа мажбуриятлари **21 фоизга** (9 млрд сўм) камайган.

17-чизма

**Ломбардлар мажбуриятлари таркиби**



Манба: Марказий банк маълумотлари


### 3.3. Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар капитали

**Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар жами капитали** ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **1,4 баробарга** (1,2 трлн сўм) кўпайиб, 2026 йил 1 январь ҳолатига **4,1 трлн сўмга** етган. Бунда, **микромолия ташкилотларининг** жами капитали **1,4 баробарга** (997 млрд сўм) ошиб, **3,5 трлн сўмни** ва **ломбардларда** **1,6 баробарга** (220 млрд сўм) ўсиб, **597 млрд сўмни** ташкил этган.

Бунда, микромолия ташкилотларининг жами капитали ўсишида устав капиталининг **638 млрд сўм** (51 %), жорий йил фойдаси **84 млрд сўм** (10 %), захира капитали **32 млрд сўм** (32 %), тақсимланмаган фойда **232 млрд сўмга** (80 %) ўсиши, ломбардларда эса устав капиталининг **92,4 млрд сўм** (89 %), жорий йил фойдаси **71 млрд сўм** (42 фоиз), тақсимланмаган фойда **53 млрд сўм** (58 фоиз) ҳамда захира капиталининг **1,8 млрд сўмга** (16 фоиз) ўсиши ҳисобиغا юзага келган.

18-чизма


**Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар жами капитали динамикаси**



Манба: Марказий банк маълумотлари


Шунингдек, 2025 йилнинг якуни бўйича ўтган йилнинг мос даврига нисбатан хориж капитали иштирокидаги микромолия ташкилотларининг устав капитали **1,5 баробарга** (107 млрд сўм) ва ломбардларда эса **5,4 баробарга** (79 млрд сўм) ошган.

Устав капиталида хориж капитали мавжуд микромолія ташкилотлари



■ 01.01.2025 й  
■ 01.01.2026 й

Устав капиталида хориж капитали мавжуд ломбардлар



■ 01.01.2025 й  
■ 01.01.2026 й

### 3.3.1. Микромолія ташкилотлари ва ломбардлар рентабеллик кўрсаткичлари


2025 йил якунлари бўйича микромолія ташкилотлари ва ломбардларнинг жами даромадлари **5,1 трлн сўмни**, жами харажатлари **3,9 трлн сўмни** ташкил этиб, жами **1,2 трлн сўм** миқдорида соф фойда олинган.

Бунда, микромолія ташкилотларида жами даромадлар **4,6 трлн сўмни**, жами харажатлар **3,7 трлн сўмни** ва соф фойда **917 млрд сўмни** ташкил этган бўлса, ломбардларда эса жами даромадлар **508 млрд сўмни**, харажатлар **266 млрд сўмни** ташкил этиб, **242 млрд сўм** миқдорида соф фойда олинган.

### 3.3.2. Активлар ва капитал рентабеллиги

Микромолія ташкилотларида активлар рентабеллик кўрсаткичи (ROA) 2024 йил бошига нисбатан **2,3 фоиз** бандга камайиб, таҳлил санасида **38,2 фоизни** ташкил этган бўлса, капитал рентабеллик кўрсаткичи (ROE) ушбу даврда **0,9 фоиз** бандга камайиб, 2025 йил якуни бўйича **18,5 фоизни** ташкил этган.

### Микромолия ташкилотларининг рентабеллик кўрсаткичлари динамикаси



Шу билан бирга, ломбардларда **активлар рентабеллик кўрсаткичи (ROA)** 2025 йил якунида 2024 йилнинг мос даврига нисбатан **0,2 фоиз бандга** камайиб, **55,4 фоизни** ташкил этган бўлса, **капитал рентабеллик кўрсаткичи (ROE)** ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **0,3 фоиз бандга** ошиб, ҳисобот санасида **52,3 фоизга** етган.

### Ломбардларнинг рентабеллик кўрсаткичлари динамикаси

